

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.03.2019.Psi.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**НИЗОМий НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

БАЙКУНУСОВА ГУЛМИРА ЮЛДИБАЕВНА

**ЎСПИРИНЛАРДА ҲАСАД ҲИССИ НАМОЁН БЎЛИШИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Байкунусова Гулмира Юлдибаевна

Ўспиринларда ҳасад ҳисси намоён бўлишининг ижтимоий-психологик
хусусиятлари.....5

Байкунусова Гулмира Юлдибаевна

Социально-психологические особенности проявления чувства зависти у
юношей.....23

Baykunosova Gulmira Yuldibayevna

Social-psychological features of envy in adolescents.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.03.2019.Psi.26.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**НИЗОМий НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

БАЙКУНУСОВА ГУЛМИРА ЮЛДИБАЕВНА

**ЎСПИРИНЛАРДА ҲАСАД ҲИССИ НАМОЁН БЎЛИШИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Psi29 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз -резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шоумаров Ғайрат Баҳромович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Назаров Қиёмиддин Нормирзаевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Фарфиева Камола Атхамовна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.28.03.2019.Psi.26.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « ____ » ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32; факс: (+99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27. Тел.: (+99871) 276-82-32.)

Диссертация автореферати 2019 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.Р.Қодиров

Илмий даражалар берувчи
бир маротабалик Илмий кенгаш раиси,
психология фанлари доктори, профессор

Х.А.Қадирова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
психология фанлари номзоди, доцент

В.М.Каримова

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида глобаллашув ва ахборотлашув жараёнлари даврида ҳавас ва ҳасад, айниқса, ёшларда ҳавас ҳиссини ривожлантириш, ҳасад ҳиссини сусайтириш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг изоҳи шундан иборатки, дунё миқёсида ҳасад оқибатида рўй бераётган салбий ҳолатлар фикримиз далили бўлиб қолади. Ҳасад, кўра олмаслик, рашкчилик орқасидан содир бўлувчи жиноятлар кенг тарқалмоқда. Ҳасад мотиви орқали бировнинг жонига қасд қилиш, соғлигига путур етказиш ва мол-мулкига зиён етказиш каби ҳолатлар содир этилади. “2015 йил 1 январдан 2018 йил 1 мартгача бўлган ҳолатда дунё миқёсида рўй берган жиноятларнинг 34 фоизи айнан ҳасад орқали содир этилгани аниқланди”¹. Шундай экан, шахсда намоён бўладиган ҳасад ҳиссини комплекс ўрганиш, унинг ижтимоий ва этнопсихологик жиҳатларини илмий тадқиқ этиш жиддий аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида ижтимоий психологияда ҳасад долзарб муаммоларидан бири бўлиб, уни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш, ҳасадгўйликка мойил инсонларнинг мотивацион, эмоционал-иродавий соҳасидаги психик саломатлигини ривожлантириш, ўспиринлар орасида содир бўлаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳасадгўй шахсларнинг ижтимоий-психологик профилактикаси, самарали психокоррекцион таъсир усулларининг самарадорлигини таъминлаш масалалари бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар шахс ҳулқидаги оғишлар, тажовузкорлик, эмоционал беқарорлик, унда ҳасадгўйлик намоён бўлишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини комплекс тадқиқ этиш, шахсларда соғлом фикрлаш хусусиятлари, фаолият жараёнида ҳулқ-атвор масалаларини тадқиқ этишга назарий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёшларни баркамол инсон этиб вояга етказиш, ёт мафқуралар, ҳуружлардан асраш, уларда турли ғоявий таҳдидларга қарши кураш кўникмаларини шакллантириш, такомиллаштириш, шунингдек “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанига содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарига эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”² вазифалари белгиланган. Бу эса илк ўспирин ва ўспирин ёшларнинг маънавий юксак шахс, баркамол авлод этиб тарбиялаш, уларда ҳавас ҳиссини ривожлантириш, ҳасад ҳиссини сусайтиришга оид илмий тадқиқотларни самарали амалга оширишни талаб этади.

¹Севостьянов Р.А. Зависть как мотив совершения преступления // Вопросы Российского и международного права. 2018. Том 8. № 3А. С. 222-228.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишлари «Жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихи ҳамда таълимнинг узвуйлиги ва узлуксизлиги, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳасад муаммоси замонавий психология фанида устувор тадқиқот мавзуларидан бири бўлиб келмоқда. Ҳасад ҳиссига мумтоз психологик қарашларни А.Адлер, М.Клайн, П.Куттер, З.Фрейд, К.Хорни, К.Юнг ва бошқа психоаналитикларнинг ишларида кузатишимиз мумкин. Замонавий хориж психологлари: D.Cooper, E.Diener, R.Doyle, K.Jankowski, S.Kim, R.Smith, H.Takahashi, .A.Rosenblatt ва бошқалар ҳасадни ижтимоий муҳит ва ижтимоий таққослаш билан боғлаб тушунтирган; A.Rothman, J.Rodin, W.Parrott, P.Salovey ҳасад ва вербал агрессия, душманлик кайфияти ўртасида боғлиқликни аниқлашган; J.Hamman, M.Zeelenberg, N.Van de Ven ҳасадни шахс учун муҳим бўлган соҳада ўзганинг муваффақияти туфайли намоён бўлувчи ҳиссиёт деб қарашган; H.Maijala, T.Munnukka, M.Nikkonen ҳасадни “Эго” билан боғлиқликда изоҳлаган; S.Alhabash, H.Park, K.Wise ҳасадни жамоада меҳнат унумдорлигини оширувчи восита сифатида тадқиқ этишган³.

Рус психологлари ҳасад муаммосини ўрганишни XIX аср охирилари ва

³Фрейд З. Печаль и меланхолия // Психология эмоций. Тексты. –М., 1984.– С. 208-211. Адлер А. Понять природу человека/Пер. Е.А. Цыпина. СПб.: Академический проект. 1997. – 256 с. Юнг. К.Г. Дух и жизнь: сборник. пер. с нем. – М.: Практика, 1996. – С. 441-532. Хорни К. Невротическая личность нашего времени. – СПб.: Питер, 2003. – 608 с. Клайн М. Зависть и благодарность. Исследование бессознательных источников: Пер. с англ. –СПб.: Б.С.К. 1997. – 93 с. Куттер П. Любовь, ненависть, зависть, ревность: Психоанализ страстей. –СПб.: Б.С.К. 1998. – С. 89-110.Cooper D. Equally and Envy // Journal of Philosophy of Education. 1982. v. 16. -P. 34-42. Smith R. H. (ed.). Envy: Theory and research. N. Y.: Oxford University Press, 2008.–P. 27-64. Rosenblatt A. D. Envy, identification and pride // Psychoanalytic Quarterly. 1988. N. 57, -P. 113-127.Jankowski K.F., Takahashi H Cognitive neuroscience of social emotions and implications for psychopathology: Examining embarrassment, guilt, envy, and schaden freude. // Psychiatry and Clinical Neurosciences. 2014. № 68. -P. 319–336. Takahashi H., Kato M., Matsuura M., Mobbs D., Suhara T., Okubo Y. When Your Gain Is My Pain and Your Pain Is My Gain: Neural Correlates of Envy and Schaden-freude //Science, 2009, v. 323.13 February, -P. 937-939. Salovey P., Rodin J. Envy and jealousy in close relationships // Review of Person-ally and Social Psychology. 1989. v. 10. -P. 228-246. Parrott W. G. The Emotional Experience of Envy and Jealousy//P. Salovey. The Psychology of Jealousy and Envy. N. Y.: The Guilford Press. 1991.-P. 5-23. Van de Ven N., Hoogland C.E., Smith R. H., Van Dijk W.W., Breugelmans S.M., Zeelenberg M. When envy leads to schadenfreude // Cognition and Emotion. 2015.№ 29 (6).-P. 1007-1025. Hamman J.J. The Memory of Feeling: Envy and Happiness // Pastoral Psychology.2015. № 64.-P. 437–452. Wise, K., Alhabash, S., Park, H.: Emotional responses during social information seeking on Facebook. Cyberpsychology, Behavior, and Social Networking, 2010. -P. 558-562.

XXаср бошларидан бошлашган. О.Р.Бондаренко, Н.В.Дмитриева, Е.П.Ильин, ҳасаднинг ижтимоий омилларини тадқиқ этган; Т.В.Бескова, К.Муздыбаев, К.Ф.Седова ҳасадга фрустрацион эҳтиёж сифатида қарашган; Н.В.Горшенина, Н.М.Клепикова ҳасад ҳиссининг ўсмир ва ўспиринлик давридаги хусусиятларини ўрганган; Д.А.Калмиков, И.Б.Котова, А.Н.Кукушкин, К.С.Летягина, К.Шампионова ҳасаднинг ички детерминантларини (шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини) аниқлаган; Р.И.Александрова, В.А.Гусова, С.П.Колпакова, М.И.Розенова, А.Ю.Согомонов ҳасад феноменологиясини кенг ёритишган.

Ҳасад феноменининг тўлиқ назарий асослари Г.Шэк (H.Schoeck, 1969), Дж.Эпштейн (J. Epstein, 2003), Р.Смит (R.H.Smith, 2008), Ф.Ниниваджи (F.J.Ninivazzi, 2010), А.И.Донцова (2014), Е.П.Ильин (2014)ларнинг монография ва илмий асарларида кенг ёритилган⁴.

Ўзбекистон психологлари томонидан илк ўспиринларнинг психологик хусусиятлари ўрганилса-да, ҳасад психологик тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганилмаганлиги ўспиринларда ҳасад ҳисси намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятларини ўрганишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги ТДПУнинг илмий тадқиқот ишлари режасининг АЕ1-КХ-0-125506 – “Талабаларда ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг услубий асосларини психологик технологиялар ёрдамида такомиллаштириш” (2012-2013 йй.), ПЗ-20170923121 “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш”(2018-2020 йй.) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўспиринларда ҳасад ҳисси ривожланиши ҳамда намоён бўлишига тарбиявий-психологик таъсир кўрсатиш имкониятларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳасад ҳиссининг психологик ҳамда ижтимоий-психологик моҳиятини ёритиш;

ўспиринлик давридаги ҳасад ҳисси намоён бўлишини ўрганиш, унга таъсир этувчи омилларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда изоҳлаш;

илк ўспиринлар ва ўспиринлардаги ҳасад ҳиссининг ёш, жинс фарқларини экспериментал текшириш;

⁴Дмитриева Н. В. Зависть и связанные с ней виды психологических защит // Философия образования. Новосибирск: Изд. Сибирского отделения РАН. 2009. -№ 2. С. 234-242. Ильин Е.П. Психология зависти, враждебности и тщеславия. – СПб.: Питер, 2014. – 208с.: ил.- (Серия «Мастера психологии»). Бондаренко О. Р., Лукан У. Психологическое консультирование: зависть и психическое здоровье//Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского. Серия: Социология. Психология. Философия. 2008. № 2. С. 265. Бескова Т. В. Дialeктика добра и зла в представлениях о зависти: социально-психологический аспект // Вопросы этической психологии: Сборник научных трудов. – Саратов: ИЦ «Наука». 2010. С. 10-33. Горшенина Н.В. Зависть как нравственно-этическое качество студента// Современные исследования социальных проблем.–Москва. -№ 12, 2012. Клепикова Н. М. Динамика взаимосвязи зависти и нарциссических проявлений личности // Мир науки, культуры, образования. Горно-Алтайск. 2009. -№ 4. С. 157-162. Летягина С. К. О проблеме зависти в аспекте психологии семейных отношений // Ученые записки. 2010. Т. 3. Серия: Психология. Педагогика. -№ 4 (12). – С. 39-46. Шамянов Р. М Зависть в системе социально-экономических установок и активность личности // Теоретическая и прикладная психология. –Москва. 2011. №4. - С. 46-52. Александрова Р.И. Зависть и моральная символика // Вестник МГУ. Сер.7, Философия-Москва. 2002.- № 1. – С. 68.

ўспиринлардаги ҳасад ҳисси ҳамда шахс хусусиятлари орасидаги боғланишларни аниқлаш, уларнинг психологик механизмларини очиб бериш;

ўспиринлик даврида ҳасаднинг аниқ анъанавий ҳамда янги фаолият йўналишлари (виртуал мулоқот)да намоён бўлишига хос тавсифларни аниқлаш;

ўспиринларда ҳасад ҳиссини сусайтириш ва ҳавас ҳиссини ривожлантириш бўйича психокоррекция, ривожлантирувчи таъсир кўрсатишнинг амалий имкониятларини аниқлаш;

ўспиринларда ҳавас ҳиссини ривожлантириш бўйича мутасадди субъектлар, тизимлар учун психологик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини касб-хунар коллежида таҳсил олаётган 81 нафар илк ўспиринлар ва олий ўқув муассасасида таҳсил олаётган 159 нафар ўспиринлар ҳамда 50 нафар илк етуклик давридаги талабалар ташкил этди. Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд давлат университети ҳамда Сергели молия касб-хунар коллежида ўтказилди.

Тадқиқотнинг предметини ҳасад ҳисси шаклланишининг психологик хусусиятлари ва омиллари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва вазифаларнинг ечимини топиш учун психологик тест, суҳбат, кузатиш, сўров, анкета ва математик статистика методларидан фойдаланилган. Муаммони эмпирик тадқиқ қилиш жараёнида қуйидаги методлар қўлланилган: “Шахсда ҳасадгўйликни аниқлаш” сўровномаси (Т.В.Бескова), “Ҳасад сўровномаси” (Е.П.Ильин), “Ҳасад илдизлари сўровномаси” (Ю.В.Шербатих), “МАС сўровномаси” (М.Кубишкина), “Муваффақиятга эришиш эҳтиёжини аниқлаш методикаси” (Ю.М.Орлов), “Ўзгаларга хайрихоҳликни диагностика қилиш” (Кэмпбелл шкаласи бўйича), “Номукамаллик комплекси методикаси”, “Шахс ўз-ўзига баҳосининг вербал диагностикаси”, “Душманлик, адоват диагностикаси” (Кука-Медлей шкаласи бўйича), “Эгоцентрик ассоциациялар сўровномаси” (Т.И.Пашукова) ҳамда математик статистика методлари Стьюдентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари. Шунингдек, диссертантнинг муаллифлик ишланмаси - “Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўртасидаги ҳасад ва ҳавас ҳиссини аниқловчи” сўровнома орқали ўспиринларда ижтимоий тармоқда пайдо бўлувчи ҳасаднинг янги турини тадқиқ этиш учун хизмат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк ўспиринлик даврида ҳасад ҳиссининг ёш, жинс ҳамда ижтимоий жиҳатдан намоён бўлиш хусусиятларининг психологик негизларига таянган ҳолда замонавий ички антогонизм тамойилига асосланган амалий психологик ёрдам самарадорлиги кўрсатиб берилган;

ҳасадгўйлик ҳиссига асосланувчи салбий шахслараро муносабат шакллари шаклланишини профилактика қилиш орқали илк ўспиринлар академик гуруҳларида соғлом ижтимоий-психологик муҳитни қўллаб-

қувватлаш билан, ёшларнинг маънавий камол топиши учун шарт - шароит яратишнинг носоғлом рақобат, агрессив хатти-ҳаракатлар, низоли хулқ ривожланишининг олдини олиш имкониятлари асосланган;

илк ўспиринлик даврида шахс ривожланишининг мезон кўрсаткичи сифатида ҳавас ва ҳасадга мойиллик даражасини белгиловчи дифференциал диагностик мезонлари ҳасаднинг хулқ-атвордаги ифодаси, ҳасад ва ҳаваснинг амбивалентлиги, ҳаваснинг ҳасадга трансформацияси каби белгилари аниқланган;

шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган омил сифатида ҳасадгўйлик ҳиссини махсус ҳамда тизимли тадқиқ этиш орқали, ҳиссиётларнинг фанда маълум анъанавий таснифларини тўлдиришга хизмат қилувчи муаллифлик категориялари стеник-ҳавас ва астеник-ҳасад ҳамда уларнинг илмий асослари семантик таҳлил, тизимли локализацияси таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан олинган хулосалар асосида ўқувчи ва талабаларда ҳасад ҳисси намоён бўлиши, уни келтириб чиқарувчи детерминантларнинг ёш, жинс хусусиятлари ижтимоий психологик жиҳатдан аниқланган;

ўспиринларда ҳасад турлари, функциялари, босқичлари, детерминантлари типологияси шакллантирилган;

ўспиринлардаги ҳавас ҳиссини ривожлантириш ва ҳасад ҳиссини коррекция қилишга доир дастур ишлаб чиқилган ва психологларга фойдаланиш учун топширилган;

ўспиринларда ҳасад ҳиссини бартараф этиш ҳамда олдини олиш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацион изланиш натижаларининг ишончлилиги унда илмий жиҳатдан асосланган, халқаро миқёсда тан олинган методик воситалар, математик статистиканинг аниқ методлари қўлланилганлиги; синалувчилар танланма тўпламининг ҳажми ва унинг репрезентативлиги; эмпирик изланишлар чуқур асослаб берилгани; аниқланган кўрсаткичларнинг бошқа муаллифлар тақдим этган маълумотлар билан қиёсий таҳлил этилиб, бунда ишончли манбаларга асосланганлиги; асосий ҳолатлар кенг илмий жамоатчилик ўртасида муҳокама қилингани билан таъминланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий иш натижалари ҳасад ҳақидаги илмий тасаввурларни кенгайтиради. Тадқиқот натижалари инсон ўз ҳаётида муваффақиятга эришиш учун интилишининг психологик негизини чуқурроқ англаш имконини яхшилади. Тадқиқот натижалари шахс ривожланишига ҳалақит берувчи психологик тўсиқ ҳисобланган ҳасад ҳиссини чуқурроқ ўрганиш учун янги истиқболли йўналишларни очиб беради. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрганилган адабиётлар ва ўтказилган тадқиқот натижаларидан олинган илмий маълумотлар ижтимоий психология, ёш ва педагогик психология,

психокоррекция, психологик хизмат, психодиагностика фанларидан назарий ва амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланиш мумкин. Психодиагностика, экспериментал психология, психологик хизмат ҳамда психокоррекция фанидан намунавий ва ишчи дастурлар мазмунига ҳавасни ривожлантирувчи ва ҳасадни коррекция қилишга бағишланган машғулотлар ва психодиагностик методикалар киритилди. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, тадқиқотдан олинган амалий натижалар, хусусан, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган тренинглари мажмуи олий ва ўрта махсус таълим муассасалари амалиётига татбиқ этилиши орқали талаба шахсининг педагогик ва психологик жиҳатдан мукамал ривожланишига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олинган илмий натижалар қуйидаги фаолиятларда татбиқ қилинган:

илк ўспиринлик даврида ҳасад ҳиссининг ёш, жинс ҳамда ижтимоий жиҳатдан намоён бўлиш хусусиятларининг психологик негизларига таянган ҳолда замонавий ички антогонизм тамойилига асосланган амалий психологик ёрдам самарадорлиги бўйича таклифи Психология ўқув-илмий маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йили 11 ноябрдаги ПМ-10-сон маълумотномаси). Натижада таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларига кўрсатилган амалий психологик хизмат сифатини оширишга эришилди;

ҳасадгўйлик ҳиссига асосланувчи салбий шахслараро муносабат шакллари шаклланишини профилактика қилиш орқали илк ўспиринлар академик гуруҳларида соғлом ижтимоий-психологик муҳитни қўллаб-қувватлаш билан, ёшларнинг маънавий камол топиши учун шарт - шароит яратишнинг носоғлом рақобат, агрессив хатти-ҳаракатлар, низоли хулқ ривожланишининг олдини олиш имкониятлари асослаш бўйича таклифи Психология ўқув-маркази амалий фаолиятига жорий қилинган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йили 11 ноябрдаги ПМ-10-сон маълумотномаси). Натижада иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун тайёрланадиган амалиётчи психологларда касбий аҳамиятли таянч компетенцияларни шакллантириш сифатини оширишга эришилди;

илк ўспиринлик даврида шахс ривожланишининг мезон кўрсаткичи сифатида ҳавас ва ҳасадга мойиллик даражасини белгиловчи дифференциал диагностик мезонлари ҳасаднинг хулқ-атвордаги ифодаси, ҳасад ва ҳаваснинг амбивалентлиги, ҳаваснинг ҳасадга трансформациясига оид тавсиялар Психология ўқув-илмий маркази 2-сон бўйруғининг “Жамиятда долзарб ижтимоий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича илмий психологик тадқиқотлар ўтказиш ҳамда уларда қўлланиладиган самарали методларни ишлаб чиқилишини таъминлаш” методикасига татбиқ этилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йили 11 ноябрдаги ПМ-сон -10-сон маълумотномаси). Натижада марказнинг бўлғуси амалий психологларининг педагогик-психологик ишлари самарадорлиги оширилди;

шахсининг индивидуал ва ижтимоий-психологик ривожланишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган омил сифатида ҳасадгўйлик ҳиссини

махсус ҳамда тизимли тадқиқ этиш орқали, ҳиссиётларнинг фанда маълум анъанавий таснифларини тўлдиришга хизмат қилувчи муаллифлик категориялари стеник-ҳавас ва астеник-ҳасад ҳамда уларнинг илмий асослари семантик таҳлил, тизимли локализацияси таклифлари Психология ўқув-илмий маркази 2-сон буйруғининг “Давлат буюртмаси ҳамда ижтимоий талаблар асосида жамият ҳаётидаги шахс психологияси билан боғлиқ бўлган махсус ва тизимли муаммолар бўйича амалий психологик тадқиқотлар ўтказиб, уларнинг ечими бўйича таклифлар ишлаб чиқиш” методикасига татбиқ этилган (Психология ўқув-илмий марказининг 2019 йили 11 ноябрдаги ПМ-10-сон маълумотномаси). Натижада бўлғуси амалий психологлар назарий-касбий тайёрлиги сифатини ошириш имкониятлари яхшиланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 4 та республика ва 2 халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда (10 та 6 та республика ва 4 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 133 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган; диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари баён этилган; шунингдек, объекти ва предмети аниқланган; ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Ҳавас ва ҳасад психологик тадқиқотлар предмети сифатида”** деб номланган биринчи боби ҳавас ва ҳасад ҳақидаги муқаддас манбаларда (Қуръон, Инжил, ҳадис намуналарида), Шарқ ва Ғарб файласуфларининг (Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Р.Декарт, Ф.Ницше, И.Кант ва б.) фалсафий-психологик қарашлари; хориж психологларининг (П.Саловей, Дж.Родин, М.И.Розенова, А.Д.Розенблатт, К.Муздубаев, Е.Е.Соколова, Ю.М.Орлов, В.Н.Куницына, Н.В.Казаринова, В.М.Погольша, Л.В.Куликов, Л.Я.Гозман, Т.В.Бескова, С.Элгоу, Дж.Хайдт, Р.Смит, П.Кутгер, З.Фрейд, К.Абрахам, Г.Розенфелд, М.Клян, О.Кернберг ва б.) илмий тадқиқотлари таҳлили орқали ҳасад ҳисси намоён бўлишининг

индивидуал-психологик, этник, ёш ва жинсга оид ҳамда ҳасадни жамоада меҳнат унумдорлигини оширувчи восита сифатида тадқиқ этиш соҳасида тўплаган тажриба баёнига бағишланган. Бу ерда келтирилган маълумотлар асосида ҳасад ҳиссининг намоён бўлишидаги назарияларнинг бир-бирига қарама-қаршилигини кузатишимиз мумкин, яъни баъзи олимлар ҳасадни деструктив характерда таснифласа, баъзилари конструктив нуқтаи назар билан изоҳлайди. Шунингдек, олимлар талқинида, ҳасад айрим ҳолатларда шахсда бузғунчи ҳис, хатти-ҳаракатни юзага келтирувчи психиканинг салбий ҳолати ёки шахсни ҳаракатга келтирувчи мотивация сифатида талқин этилган. Шу билан бирга ҳасад шахсининг бир қанча хусусиятлари билан боғлиқлиги, ёш ва жинсга оид фарқлар кузатилиши ҳақида хулосалар чиқарилди.

Диссертациянинг **“Ўспиринларда ҳасад ҳиссининг ижтимоий-психологик детерминантлари”** деб номланган иккинчи боби ўспиринларда ҳасад намоёиш этишга мойиллик психодиагностикаси учун тадқиқотда қўлланилган методикаларнинг психометрик сифатлари ва унинг мазмуни ва натижалари келтирилади. Ушбу бобнинг асосий қисмида илк ўспиринлик, ўспиринлик ва илк етуклик даврида ҳасад намоён этишга мойилликнинг ёш ва жинс хусусиятларига боғлиқ равишда қандай намоён бўлишини эмпирик текшириш натижалари талқин этилади.

Мазкур бобда келтирилган натижалардан шу нарса аниқландики, умумий равишда, ҳасадни намоён этишга мойилликнинг ёш ва жинс фарқлари кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Турли ёш босқичларида ҳасад намоён бўлишидаги тафовут кўрсаткичлари (Стьюдент t-мезони бўйича)

Статистик кўрсаткичлар	Синалувчилар гуруҳлари:			
	Илк ўспиринлар (n= 81)	Ўспиринлар (n=177)	Илк етуклик давридагилар (n= 32)	Ўспиринлар (n=177)
М	5,4	5,8	8,03	5,8
t	2,22		-2,43	
p	0,05		0,05	

Юқоридаги 1-жадвалдан кўришиб турганидек, илк ўспиринларда ҳасаднинг ўрта арифметик қиймати 5,4 га, ўспиринларда эса 5,8 га тенг. Муқаррарлик мезони $t = 2,22$ ($p \leq 0,01$). Талабаларда коллеж ўқувчиларига нисбатан ҳасад кучлироқ намоён бўлган. Ҳасаднинг ёш фарқларини ўрганиш учун илк етуклик давридаги респондентларда ҳам тадқиқот ўтказилди. Илк етуклик давридаги респондентлар учун Тошкент давлат педагогика университетининг махсус сиртки бўлим талабалари жалб этилди. Илк етуклик давридагиларда ҳасаднинг ўрта арифметик қиймати 8,03 га тенг эканлиги кўришиб турибди. Муқаррарлик мезони $t = -2,43$ ($p \leq 0,01$). Илк

етуклик давридагиларда ҳасад ўртача даражада, бакалавр талабаларига нисбатан ҳасад кучлироқ намоён бўлган.

Юқоридаги натижаларга мувофиқ шахсда ҳасаднинг динамикаси аниқланди. Яъни, ёш улғайган сари ҳасаднинг ҳам ортиб боришини кўришимиз мумкин. Илк етуклик даврида ўспиринлик ва илк ўспиринлик даврига нисбатан ҳасадгўйлик юқори даражада намоён бўлиши аниқланди. Бизнингча, бундай натижа олиншининг ижтимоий-психологик омили илк етуклик даврининг психологик хусусиятига, яъни ёш улғайган сари қадриятлар тизимининг ўзгаришига боғлиқлиги ҳамда илк етуклик даврида “танишлар доираси”нинг кенгайиши ва натижада ижтимоий таққослаш имкониятининг ортиши билан характерланади.

Шунингдек, тадқиқотда С.Т.Бескованинг “Шахсда ҳасадгўйликни аниқлаш методикаси” ҳам ўтказилди, натижалар қуйида акс эттирилган (2-жавдал).

2-жадвал

Т.В.Бескованинг “Шахсда ҳасадгўйликни аниқлаш методикаси” бўйича олинган натижалар

Статистик кўрсаткичлар	Синалувчилар гуруҳлари:							
	Ҳасад-маъюслик		Ҳасад-душманлик		Ҳасад-маъюслик		Ҳасад-душманлик	
	Илк ўспиринлар (n = 81)	Ўспиринлар (n = 177)	Илк ўспиринлар (n = 81)	Ўспиринлар (n = 177)	Илк етуклик давридагилар (n = 32)	Ўспиринлар (n=177)	Илк етуклик давридагилар (n = 32)	Ўспиринлар (n=177)
М	14,8	20,3	7,8	12,4	17,1	20,3	10,8	12,4
t	-3,36		-3,70		1,89		0,77	
p	0,001		0,001		0,05		-	


Юқоридаги 2-жадвалдан ҳасад-душманлик шкаласи бўйича коллеж ўқувчилари ўрта арифметик қиймати 7,8 га тенг эканлиги кўриниб турибди. Талабаларда бу кўрсаткич 12,4 га тенг. Махсус сиртқи бўлим талабаларида эса, 10,8 га тенг ($t = -3,70$; $p \leq 0,001$). Махсус сиртқи бўлими талабаларида бакалавр талабаларига нисбатан ҳасад кучлироқ намоён бўлган. Муқаррарлик мезони $t = 0,77$ (p - аҳамиятсиз).

Ҳасад-маъюслик шкаласи бўйича, коллеж ўқувчилари ўрта арифметик қиймати 14,8 га тенг эканлиги кўриниб турибди. Талабаларда бу кўрсаткич

20,3 га тенг ($t = -3,36; p \leq 0,001$). Илк етуклик давридагиларда эса 17,1 га тенг ($t = 1,89; p \leq 0,05$).

Шундай қилиб, ушбу методика натижаларидан маълум бўлишича, респондентлар орасида ҳасад-душманликка нисбатан ҳасад-маъюслик шкаласи устунлик қилади.

Шахсда ҳасадгўйлик намоён бўлиши қуйидаги гистограммада ўз ифодасини топган (1-расм).



1-расм. Респондентларда ҳасадгўйликнинг намоён бўлиши.

Тадқиқотда респондентларда “ижтимоий тармоқ эффеќтини” тадқиќ этиш маќсадида, “Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўртасидаги ҳасад ва ҳавас ҳиссини аниқловчи” сўровнома ишлаб чиќилди.

Бу сўровнома муаллифлик сўровномаси бўлиб, унда “Нима учун ижтимоий тармоққа мурожаат этасиз?” деган саволга респондентларнинг берган жавобларини қуйида акс эттирамиз (3-жавдал).


3-жадвал

Респондентларнинг ижтимоий тармоқдаги расмларга муносабати

№	“Танишингизни фотосуратларида ўзининг идеал, фаол, ҳаёт тарзини, саёхатлари акс этгани тасвирланган бўлса, ўзингизни қандай ҳис этасиз?”	%
1	Ҳавас қиламан	54%
2	Бефарқ бўламан	33%
3	Ҳасад қиламан	13%

Юқоридаги саволга 54 % респондент “Ҳавас қиламан”, 33 % респондент “Бефарқ бўламан”, фақатгина 13 % респондент “Ҳасад қиламан” деб жавоб беришган. Бефарқ бўлиш ҳам дўстининг устунлигини тан олмаслик ҳисобланади. Демак, бу жавобни ҳасад ҳиссининг кўрсаткичи деб айта


оламиз. Яна қизик маълумотни қуйида келтирилган жавоблар орқали олдик. Яъни сўровномадаги “Дўстингиз шундай ҳаётга лойикми?” деган саволга берилган жавоблар ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги 2-расмни ҳосил қилдик.



2-расм. Респондентларнинг таниш инсонлари ҳаётга ҳавас ва ҳасад қилиши кўрсаткичлари.

Юқоридаги расмда 37 % респондент - “Лойик”, 23 % - “Лойик эмас”, 40 % - “Бир нима дейишим қийин”, -деб жавоб беришган. Лойик деб жавоб берган респондентлар танишларига ҳавас қилишган, нолойик деб жавоб берганлар эса беихтиёр ҳасад ҳиссини туюшган.

Сўровномада “Сиз унинг ўрнида бўлиб қолишни истаган бўлар эдингизми?” деган саволга респондентлардан қуйидагича жавоблар олинди (3-расм).



3-расм. Респондентларнинг дўстини ҳаётга муносабати.

Расмдан кўришиб турибдики, 29 % респондент “Ўрнига бўлиб қолишни хоҳлайман”, 26 % “Ўрнига бўлиб қолишни хоҳламас эдим”, 45 % “Бир нарса дейишим қийин” деб жавоб беришган. Бундай жавоблар респондентлар

орасида жавоб беришдаги иккиланиш ҳасад ҳиссини тан олишдан кўрқиш, уялиш, жамият томонидан танқид қилишдан хавфсираш омилининг кучли эканлигидан далолат беради. Бизнинг тадқиқотимиз натижалари хориж олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотга қисман мос келмаса-да, ҳавас ва ҳасаднинг этник-ментал хусусиятларини очиб берди. Жамиятимизда шахсдаги ҳасадгўйлик салбий иллат деб қаралиши, уни тан олмасликнинг асосий сабаблари ҳисобланади. Лекин жавоблардаги иккиланишлар респондентлар орасида ҳасад ҳиссининг қисман мавжуд эканлиги, лекин тан олишдан кўрқишидан далолат беради.

Биз тадқиқотда ҳасад ҳисси намоён бўлишининг жинс фарқларини ўрганишни вазифа сифатида белгилаган эдик, натижаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз (4-жадвал).

4-жадвал

Илк ўспиринларда ҳасад намоён бўлишидаги жинс фарқлари

Методикалар	Ўғил болалар	Қиз болалар	t	p
Ҳасад	47,0	48,5	0,117	-

Юқоридаги жадвалда қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан ҳасад кучлироқ намоён бўлади. Қиз болаларнинг ҳасад илдизлари бўйича ўрта арифметик қиймати 48,5 га, ўғил болаларда эса, 47 га тенг. Методика натижаларини шарҳлаш маълумотларига қараганда, 30 дан юқори натижалар шахсда ҳасаднинг кучлилигидан далолат беради. Демак, ўғил болаларда ҳам, қиз болаларда ҳам ҳасад кучли. Улар орасидаги фарқ аҳамиятсиз. Шунингдек, ўспиринларда ҳасад намоён бўлишида жинс фарқлари аниқланмади. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, хориж ва рус психологлари томонидан ўтказилган тадқиқотларда айнан қизларда йигитларга нисбатан ҳасад кучли эканлиги далилланган.

Диссертациянинг “**Ўспиринларда ҳавас ва ҳасад муаммоларига коррекцион-ривожлантирувчи ёндошув имкониятлари**” деб номланган учинчи бобида ўспиринларда ҳавас ва ҳасад намоёиш этишга мойилликни коррекция қилиш учун турли муаллифлар таклиф этаётган услубий ёндашувлар ва воситалар таҳлили ҳамда ушбу мақсадда ишлаб чиқилган муаллифлик мазмунидаги ишланманинг асосланиши, унинг апробация натижалари ва самарадорлиги таҳлили келтирилади.

Тадқиқотда ҳасад ва шахс хислатлари орасидаги корреляцион боғланиш ўрганилди. Қуйидаги 5-жадвалда кўришиб турганидек, ўспиринларда вербал ўз-ўзини баҳолаш ва ҳасад орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r = 0,673$; $p \leq 0,001$). Ўспиринларда ўз-ўзига вербал баҳонинг ортиши, ҳасад ҳиссини кучайишига олиб келади. Ўспиринларда ижтимоий мавқе ва ҳасад орасида манфий боғланиш аниқланди ($r = - 0,325$; $p \leq 0,05$). Шахсда ижтимоий мавқенинг ортиши ҳасад ҳиссининг камайишига олиб келади. Ўспиринларда

ҳасад ва муваффақиятга эришиш эҳтиёжи орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r = 0,757$; $p \leq 0,001$). Шахсда муваффақиятга эришиш эҳтиёжи қанчалик кучли бўлса, ҳасад ҳисси шунчалик юқори бўлиши кузатилади. Ўспиринларда ҳасад ва душманлик орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r = 0,565$; $p \leq 0,001$).

5-жадвал

Ўспиринларда ҳасад ва шахс хусусиятлари орасидаги корреляцион алоқадорлик кўрсаткичлари (К.Пирсон корреляция коэффиценти бўйича)

	Ўз ўзига баҳо	Ижтимоий мавқе	Ҳасад	Муваффақиятга эришиш эҳтиёжи	Душманлик	Хайрихоҳлик	Номукамаллик комплекси	Эгоцентризм
	1	2	3	4	5	6	7	8
1	1							
2	-0,298	1						
3	0,673***	-0,325*	1					
4	0,730***	-0,352*	0,757***	1				
5	0,460**	0,109	0,565***	0,489***	1			
6	-0,538***	0,273	-0,467**	-0,630***	-0,227	1		
7	0,404**	-0,379*	0,373*	0,467**	0,183	-0,409**	1	
8	0,099	-0,085	0,592***	0,388**	0,317	-0,165	0,152	1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$; ** $p \leq 0,01$, *** $p \leq 0,001$.

Шахсда душманлик хусусиятининг ортиши унда ҳасад ҳиссининг кучайишига олиб келади. Ўспиринларда ҳасад ва хайрихоҳлик орасида манфий боғланиш аниқланди ($r = -0,467$; $p \leq 0,001$). Шахсда ҳасаднинг ортиши хайрихоҳликнинг сусайишига олиб келади. Ўспиринларда ҳасад ва номукамаллик комплекси орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r = 0,373$; $p \leq 0,05$). Шахсда номукамаллик комплексининг ортиши ҳасад ҳиссини кучайишига олиб келади. Ўспиринларда эгоцентризм ва ҳасад орасида мусбат боғланиш аниқланди ($r = 0,592$; $p \leq 0,001$). Шахсда эгоцентризмнинг ортиши, ҳасад ҳиссини кучайишига олиб келади. Ҳасад

ҳисси бевосита шахснинг муваффақиятга эришиш эҳтиёжи, душманлик ҳисси, номукамаллик комплекси, эгоцентризм, ўз-ўзига юқори баҳо хусусиятлари билан мусбат корреляцияга эга. Шахснинг хайрихоҳлик ҳисси ва ижтимоий мавқега интилиш хусусиятлари билан манфий корреляцияга эга. Шундай қилиб, ҳасад ва шахс хислатлари орасидаги корреляцион боғланишдан аниқланишича, душманлик ҳисси, номукамаллик комплекси, эгоцентризм, ўз-ўзига юқори баҳо кабиларни коррекция қилиб ҳасад ҳиссининг намоён бўлишини пасайтириш мумкин.

Тадқиқотда биз ўспиринларда ҳавас ҳиссини ривожлантирувчи ва ҳасад ҳиссини сусайтирувчи психокоррекцион дастур тузиш вазифасини ҳам белгилаган эдик. Ана шу вазифани амалга ошириш учун “Ўзингни **фақат** ўзинга қиёсла!” номли психокоррекцион дастур туздик.

Ҳавас ҳиссини ривожлантириш ва ҳасад ҳиссини сусайтириш учун биз томонимиздан тузилган психокоррекцион дастурда психотерапиянинг илғор илмий йўналишлари ва мактаблари (НЛП, дазайн-анализ, арт-терапия, гештальт-терапия, позитив психотерапия, социодрама ва б.) методологик асос қилиб олинди.

Дастур талабалар билан 2 ой давомида ҳафтасига 1 мартадан 1,5 соатдан машғулот ўтказишга мўлжалланган ҳамда яхлит тизимлаштирилган тузилишга эга. Ҳар бир машғулот 4 тадан машқни ўз ичига олган бўлиб, уларнинг биринчиси - гуруҳда асосий иш олдидан эркин ижодий муҳитни ҳосил қилиш, кейинги иккитаси - ҳавас ҳиссини ривожлантирувчи ишларни амалга ошириш, ҳасад ҳиссини сусайтиришга, охиргиси - релаксацион умумлаштирувчи рефлексив, яъни амалий иш натижаларига унда иштирок этган одамларнинг таҳлилий эътиборини қаратиш учун хизмат қилиши кўзда тутилган. Машғулотлар кичик 7-12 кишилик гуруҳларда ўтказилиши тавсия қилинади. “Ўзингни **ФАҚАТ** ўзинга қиёсла!” номли дастур экспериментал гуруҳ синалувчиларида ўтказилди. Экспериментал гуруҳни “Ҳасад илдизлари” методикаси бўйича юқори натижа олган респондентлар ташкил этди. Назорат гуруҳини ушбу методика бўйича қуйи ва ўртача натижа олган респондентлар ташкил этди. Шакллантирувчи тажриба Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабаларида ўтказилди.

Ҳавас ҳиссини ривожлантириш ва ҳасад ҳиссини сусайтириш учун биз томонимиздан тузилган психокоррекцион дастур узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида тузилган. Ҳасад ҳиссини сусайтирувчи ва ҳавас ҳиссини орттирувчи психокоррекцион дастур механизми қуйидаги кўринишга эга (4-расм).

Ўтказилган тренинг машғулотларидан сўнг респондентларда ҳасаднинг намоён бўлишини тадқиқ этиш мақсадида Т.В.Бескованинг “Ҳасад илдизлари” методикаси такроран ўтказилди ва натижалар таҳлил қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад қўлланган тренинг машғулотларининг самарадорлигини аниқлашдан иборат эди.



4-расм. Психокоррекция дастурнинг механизми

Аниқловчи ва назорат тажрибаларининг қиёсий таҳлили қуйидаги 6-жадвалда батафсил ёритилган. Жадвалдан кўришиб турибдики, биринчи экспериментал гуруҳда аниқловчи тажрибада ҳасад ўрта арифметик қиймати 47,95га тенг бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 32,5 га камайган. Стъудент мезони орқали натижалар ўртасидаги фарқнинг аҳамиятлилик даражаси ўрганилганда, $t = 13,99$; $p \leq 0,01$ кўрсаткичга тенг бўлган аҳамиятли натижа намоён бўлди. Иккинчи экспериментал гуруҳда аниқловчи тажрибада ҳасад ўрта арифметик қиймати 53,05 гатенг бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 32,8 га камайган. Стъудент мезони орқали натижалар ўртасидаги фарқнинг аҳамиятлилик даражаси текширилганда, $t = 17,62$; $p \leq 0,01$ кўрсаткичга тенг бўлган аҳамиятли натижа олинди.

**Аниқловчи ва назорат тажрибаси натижалари
ўртасидагистатистик тафовут (Стьюдент мезони бўйича)**


Кўрсаткичлар	M_1	M_2	t – статистик фарқ кўрсаткичи
1-экспериментал гуруҳ	47,95	32,5	13,99**
2-экспериментал гуруҳ	53,05	32,8	17,62**
Назорат гуруҳи	29,48	31,08	-1,18

Изоҳ: ** $p \leq 0,01$.

M_1 – аниқловчи тажриба ўрта арифметик қиймати;

M_2 – назорат тажриба ўрта арифметик қиймати.

Назорат гуруҳида эса аниқловчи тажрибаларда ҳасад ўрта арифметик қиймати 29,48 га тенг бўлган бўлса, назорат тажрибаларида бу кўрсаткич 31,08 га ўзгарган, олинган натижалар аҳамиятсиз. Олинган натижалар ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги гистограммаларни ҳосил қилдик (4-расм).



**5-расм. Экспериментал ва назорат гуруҳида
ҳасаднинг қиёсий таҳлили**

Юқоридаги расмда экспериментал гуруҳларда назорат тажрибаларида сезиларли ўзгаришлар бўлганлиги яққол кўриниб турибди. Бу эса биз томонимиздан тузилган “Ўзингни **фақат** ўзинга қиёсла” номли психокоррекция дастурининг самаралилигидан далолат бериб турибди.

ХУЛОСА

“Ўспиринларда ҳасад ҳисси намоён бўлишининг ижтимоий психологик хусусиятлари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ҳасад ўз функцияларига, детерминатларига эга бўлган шахс яшаётган муҳитда теварак атрофидаги воқеа ва ҳодисаларга нисбатан муносабатларида намоён бўладиган ижтимоий психологик феномендир. Бундан ташқари ҳасаднинг объекти ва предмети мавжуд. Ҳасад объекти ўзгармас, турғун кечинма сифатида намоён бўлади. Ҳасад предмети ёш улғайиши, қадриятлар тизими билан ўзаро узвий боғлиқ категория. Ҳасадни уч даражада намоён бўладиган феномен сифатида кўриб чиқиш мумкин: онг даражасида – ўзининг қуйи ҳолатдаги даражасини англаш; ҳиссий кечинма даражасида – бундай ҳолатдан дарғазаб бўлиш ва алам қилиш; реал хулқ-атвор даражасида – ҳасад предметини йўқотиш, бузиш.

2. Тадқиқотларда ҳасад ёшга боғлиқ категория эканлиги, ўспиринларда ёш улғайган сари ҳасад кучайиб бориши аниқланди. Илк ўспиринларда ҳасад нисбатан кучсизроқ, ўспиринларда ўртача ҳамда илк етуклик давридагиларда энг кучли намоён бўлди. Ўспиринларда ҳасад-душманликка нисбатан ҳасад-маъюслик ҳисси кучли эканлиги аниқланди. Яъни, респондентларнинг кўпи, ҳасад субъектлари қуйидаги эмоцияларни бошдан кечиради: хафагарчилик, ғамгинлик, маъюслик кабилар. У ўзига ишонмайди, хафа, маъюс, ниманидир ўзгартиришга ўзини кучсиз ҳис қилади.

3. Турли гуруҳ респондентларида ҳасадни келтириб чиқарувчи детерминантлар, ҳасад илдизлари ҳам турличалиги аниқланди. Илк ўспиринлар ҳасадининг асосий илдизи омад ҳамда бошқаларнинг бойлиги ва муваффақиятини кўра олмасликдир. Ўспиринларда ҳасаднинг асосий детерминанти тенглик ва адолатсизликдир. Қуйида аниқланган тенглик ва адолатсизлик детерминантлари ҳасад юзага келишига сабаб бўлади.

4. Хорижий психологлар тадқиқотларида шахсда ҳасад намоён бўлишида жинс фарқлари кузатилди, қизларда ўғил болаларга нисбатан ҳасад кучли намоён бўлади. Лекин бизнинг тадқиқотда ҳасад намоён бўлишда жинс фарқлари аҳамиятсиз натижа кўрсатди.

5. Ўспиринларда ҳасад шахс хислатлари: ўз-ўзини баҳолаш, душманлик ҳамда номукамаллик комплекси, эгоцентризм, ижтимоий мавқе, муваффақиятга эришиш эҳтиёжи кабилар билан мусбат корреляцияга эга. Шахсда ҳасад ҳиссини профилактика қилиш учун ўзини адекват баҳолаш, душманлик ва номукамаллик комплексларини, эгоцентризм, ижтимоий мавқе, муваффақиятга эришиш эҳтиёжини коррекциялаш зарур. Ҳасад ва ҳайрихоҳлик орасида манфий корреляция аниқланди.

6. Респондентларнинг ярмисидан кўпи ижтимоий тармоқдаги танишларининг расмига, ҳаётига ҳавас қилишларини, жуда озчилик эса ҳасад қилишларини тан олишган. Жамиятимизда шахсдаги ҳасадгўйлик салбий иллат деб қаралиши уни тан олмасликнинг асосий сабаблари ҳисобланади.

Лекин жавоблардаги иккиланишлар респондентлар орасида ҳасад ҳиссининг қисман мавжуд эканлиги, лекин тан олишдан қўрқишидан далолат беради.

7. Ҳасадгўйликни коррекциялаш тушунчаларни аниқлаш, идентификация, ҳасад предметиға етишиш усуллари, ўз-ўзига баҳосини ошириш, комплекслар билан ишлаш, душманлик муносабатини йўқотиш, ҳайрихоҳликни уйғотиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш ҳамда катарсис ҳолатиға эришиш каби механизмларни қўллаш орқали самаралидир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc28.03.2019. Psi.29.02. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ НИЗАМИ**

БАЙКУНУСОВА ГУЛМИРА ЮЛДИБАЕВНА

**СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
ПРОЯВЛЕНИЯ ЧУВСТВА ЗАВИСТИ У ЮНОШЕЙ**

**19.00.05 – Социальная психология. Этнопсихология
(психологические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПСИХОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по психологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.2.PhD/Psi29.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский -резюме) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Шоумаров Гайрат Бахрамович,**
доктор психологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Назаров Қиёмиддин Нормирзаевич,**
доктор философских наук, профессор
Фарфиева Камола Атхамовна,
кандидат психологических наук, доцент

Ведущая организация: **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.28.03.2019.Psi.26.02 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27). Тел.: (99871) 276-80-86; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100185, г. Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27.Тел.: (99871) 276-82-32.); факс: (99871) 276-76-51

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2019 года).

Б.Р.Қодиров,
Председатель разового Научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор психол. наук, профессор

Х.А.Кадирова,
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
кандидат психол. наук, доцент

В.М.Каримова,
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор психол. наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В период глобализации и информатизации в мировом масштабе одним из актуальных социально-психологических проблем становится развитие позитивного чувства зависти и ослабление негативной зависти, особенно среди молодёжи. Подтверждением этого являются многие негативные события, происходящие в мировом масштабе вследствие зависти. Широко распространяются преступления на почве зависти, неспособности положительно воспринимать успехи окружающих, ревности. Совершаются преступления в виде убийств, нанесения вреда здоровью и ущерба имуществу. Установлено, что в период с 1 января 2015 года по 1 марта 2018 года из общего количества совершённых в мире преступлений 34 процента составили преступления, совершённые на почве зависти¹. В связи с этим комплексное изучение проявляющегося у личности чувства зависти, его социальных и этнопсихологических особенностей имеет серьёзное значение.

В мировом масштабе в социальной психологии чувство зависти является одной из актуальных проблем, при изучении которой ведутся широкомасштабные исследования по вопросам: выявления вызывающих его социально-психологических факторов, возможностей развития мотивационных, эмоционально-волевых качеств психологического здоровья людей со склонностью к зависти; предотвращения совершаемых правонарушений и преступности в ранней юности; социально-психологической профилактики завистливых лиц; обеспечения эффективности методов психокоррекционного воздействия. Данные исследования служат теоретической основой при изучении отклонений в поведении личности, агрессивности, эмоциональной нестабильности, комплексном изучении социально-психологических особенностей проявления чувства зависти, вопросов особенностей здорового мышления лиц, поведения в процессе деятельности.

В нашей стране воспитание молодежи рассматривается приоритетным направлением государственной политики. При этом поставлены задачи воспитания гармоничного поколения, защиты ее от чуждых идей, формирование и развитие навыков борьбы против идеологических угроз, а также “Воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, повышение ее социальной активности в процессе углубления демократических реформ и развития гражданского общества”². Выполнение этих задач требует эффективной реализации научных исследований по воспитанию детей в ранней юности и юношеском

¹ Севостьянов Р.А. Зависть как мотив совершения преступления // Вопросы Российского и международного права. 2018. Том 8. № 3А. С. 222-228.

² Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» //Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017. – №6 (766). – С.236.

возрасте как высоко духовных личностей, гармонично развитого поколения, развитию позитивной и снижению негативной зависти.

Данная диссертационная работа в определённой степени служит выполнению ряда задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан от 5 июля 2017 года №УП-5106 «О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности союза молодежи Узбекистана», от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлениях Президента Республики Узбекистан от 20 апреля 2017 года №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», от 14 марта 2017 года №ПП-2833 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы профилактики правонарушений и борьбы с преступностью».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – «Исследование духовно-нравственной идеи, культурного наследия, истории узбекского народа и государственности, а также непрерывности и преемственности образования, воспитания гармонично развитого поколения».

Степень изученности проблемы.

